



## Қиёмат куни одамлар ўртасида энг биринчи ажрим қилинадиган нарса қонлар хусусидадир», - дедилар

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни одамлар ўртасида энг биринчи ажрим қилинадиган нарса қонлар хусусидадир», - дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда қиёмат куни биринчи ҳукм қилинадиган нарса одамларнинг ораларидаги қон, қотиллик, жароҳатлардаги зулм эканини зикр қилдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/2962>

